




## **СБОРНИК ТЕЗИСОВ**

**МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ:  
«СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ  
РАЗВИТИЯ ИНФЕКТОЛОГИИ,  
МЕДИЦИНСКОЙ ПАРАЗИТОЛОГИИ,  
ЭПИДЕМИОЛОГИИ И  
МИКРОБИОЛОГИИ»**

**4-5** апреля  
2023 года  
**Ургенч**



Министерство здравоохранения  
Республики Узбекистан

Ташкентская медицинская академия

Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии

Международная общественная организация  
«Евро-Азиатское общество по инфекционным болезням»

Министерство здравоохранения  
Республики Каракалпакстан

Федеральное бюджетное учреждение науки  
Московский научно-исследовательский институт  
эпидемиологии и микробиологии имени Г.Н. Габричевского

---

**Сборник тезисов международной  
научно-практической конференции  
«Современные тенденции развития  
инфектологии, медицинской паразитологии,  
эпидемиологии и микробиологии»**

**4-5 апреля 2023 г.**

**Город Ургенч**



## ЗАМОНАВИЙ БОСҚИЧДА СУВЧЕЧАКНИ БОЛАЛАРДА КЕЧИШИ

Ташпулатова Ш.А.<sup>1</sup>, Солижонов Ш.Э.<sup>2</sup>, Султонова Г.Ю.<sup>1</sup>,

Атаходжиева Б.М.<sup>1</sup>, Атаходжиева А.М.<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон,

<sup>2</sup>Андижон Давлат тиббиёт институти, Андижон, Ўзбекистон

**Тадқиқотнинг мақсади** болаларда сувчечакнинг клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш.

**Материал ва усуллар:** тадқиқот мақсадини бажариш учун Андижон вилояти юқумли касалликлар шифохонасида сўнги 5 йил (2018-2022 йиллар оралиғидаги) ичида сувчечак ташхиси билан даволанган 145 нафар болаларнинг проспектив тадқиқоти (ҳолат-ҳолат) ўтказилди. Бемор болалар орасида гендер фарқ кузатилмади, 51,7% ни қиз болалар ва 48,3% ни ўғил болалар ташкил қилди. Сувчечакнинг этиологик омилини аниқлаш мақсадида тадқиқот гуруҳидаги беморлар қон зардобидида ИФТ усули ёрдамида *anti Human herpesvirus 3 IgM* ва *anti Herpes simplex IgM* аниқланди. Тадқиқотда олинган натижаларга медстатистика калькулятори ([medstatistic.ru/calculators](http://medstatistic.ru/calculators)) ёрдамида статистик ишлов берилди.

**Олинган натижалар.** Касалликнинг клиник белгилари ва лаборатор натижалари ўрганилганида, болалар касалхонага асосан тана ҳароратини кўтарилиши (82,1%), ҳолсизлик (100,0%), иштаҳа пастлиги (70,3%), терига тошма тошиши (100,0%) каби шикоятлар билан келган. Болаларнинг 7,6% (11) сувчечак оғир шаклда, қолган 134 нафарида ўртача оғир шакли ташхисланди, енгил шакли кузатилмади. Сувчечак тошма элементлари таҳлил қилинганда, болаларнинг 15,9% (23) га мономорф бўлган пуфакчалар (везикула) тошди, пуфакчалар бир камерали бўлиб, маркази киндиксимон ботишга эга бўлди, ичи тиниқ суюқлик бўлди, пуфакча ёрилиб ярага сўнгра пўстлоқ билан қопланди, вақт ўтиб чандиксиз йўқолди, беморларнинг қолган (84,1%) қисмига эса полиморф тошмалар тошди, макула – папула – везикула – яра – пўстлоқ ва вақт ўтиб, иссиз йўқолиб кетди. Мономорф тошма тошган беморлар ўрганилганида, 23 нафар мономорф тошма тошган болаларнинг 3 (13,0%) нафарида касаллик оғир кечди. Ўтказилган ИФТ натижаларига кўра, 91,7% (133) ҳолатларда *anti Human herpesvirus 3 IgM*, 12 (8,3%) нафарида эса *anti Herpes simplex IgM* ижобий бўлди. Кузатувдаги барча беморларнинг умумий қон таҳлилида (100,0%) 2 даражали камқонликнинг белгилари аниқланди ҳамда гемоглобин миқдори болаларда ўртача  $75,3 \pm 1,15$  г/л ташкил қилди, шунга боғлиқ равишда тадқиқот гуруҳи беморларида эритроцит ( $3,0 \pm 0,43 \cdot 10^{12}/л$ ) ва ранг кўрсаткичи (0,66) қийматлари ҳам паст бўлди. Умумий пешоб таҳлилида болаларнинг 5,5% (8) яллиғланиш белгилари ва УТТ да пиелонефрит, кўкрак қафаси ретгенографиясида - 23 (15,9%) нафарида ўткир бронхит асорати белгилари ташхисланди.

**Хулоса.** Болаларда сувчечак 5,5% ҳолатларда пиелонефрит 15,9% - ўткир бронхит билан асоратланган ҳолда, 100% ҳолатларда II даражали гипохром камқонлик фонида 7,6% ҳолатларда оғир кечади. Болаларнинг 15,9% га мономорф везикулалар тошиши хос бўлиб, уларнинг 8,3% га ИФТ ёрдамида тарқалган герпес инфекцияси ва қолган 7,6% сувчечакнинг атипик шакли ташхисланди.